КПСС XXV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-йил чиқиши.

№ 148 (5497).

30 июль

Чоршанба

1975 йил.

Баҳоси 2 тийин.

МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАБ ҚОЛДИЛАР

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигида Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашда қатнашадиган СССР делегацияси Хельсинкига бора туриб Ленинград яқинида бироз тўхтади. Ўртоқ Л. И. Брежневни, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громикони, делегациянинг бошқа аъзоларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов, КПСС Ленинград шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. И. Аристов, Ленинград шаҳри ва область партия ҳамда совет органларининг масъул ходимлари кутиб олдилар.

Л. И. Брежнев ленинградлик ўртоқлар билан қилган суҳбати чоғида Ленинград партия ташкилотининг тўққизинчи беш йиллик топшириқларини бажариш, саноат, уй-жой ва маданий-маиший қурилиш программасининг амалга оширилиши, иқтисодий ва социал тараққиёт планларини бажарилиши юзасидан қилаётган ишлари билан қизиқди.

Ўртоқ Г. В. Романов Ленинград шаҳри ва областининг меҳнаткашлари КПССнинг бўлажак XXV съезди шарафига социалистик мусобақани қандай авж олдираётганликлари тўғрисида гапириб берди. У таъкидладики, барча совет кишилари сингари ленинградликлар ҳам КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини, партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, шахсан Леонид Ильич Брежневнинг фаолиятини яқдиллик билан қизғин маъқулламоқдалар.

Ўртоқ Г. В. Романов ленинградликлар номидан ўртоқ Л. И. Брежневга, СССР делегациясининг аъзоларига хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Умумевропа кенгашида самарали ишлар ва Европада ҳамда бутун дунёда тинчлик иши учун курашда катта-катта муваффақиятлар тилади.

Совет делегацияси бораётган поезд Виборг шаҳрида ҳам тўхтади. Вокзалда шаҳар меҳнаткашлари ўртоқ Л. И. Брежневни ва Совет делегациясининг аъзоларини саммий табриклади. Улар Л. И. Брежневга оқ йўл ва омиҳаноб тинчлик миссияси муваффақиятли бажарилишини тилаб қолдилар.

Пионерлар Л. И. Брежневга, делегация аъзоларига гулдасталар тақдим қилдилар. (ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚЛАРИ ВА ДОКЛАДЛАРИ ТЎПЛАМИ

Сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг икки томли нутқлари ва докладлари тўпламининг биринчи китобини босмадан чиқарди. Тўплам «Ҳозирги босқичда КПСС иқтисодий сиёсатининг асосий масалалари тўғрисида» деб аталади.

Икки томлик китоб 1964 йилнинг ноябридан 1975 йилнинг июнигача бўлган даврни ўз ичига олади. Китобга кирган материаллар партиянинг коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичи — ривожланган социализм босқичига мувофиқ келувчи иқтисодий сиёсати моҳиятини чуқур ва ҳар томонлама очиб беради.

Тўплам материаллари ижодий марксизм позицияси нуқтаи назаридан экономиканинг совет халқи турмуш даражасини ошириш кўп томонлама вазифаларини ҳал этиш сари янада чуқурроқ йўналтирилиши мумкинлиги ва заруратини очиб беради. Партия иқтисодий сиёсатининг экономикани, бутун хўжалик механизмини бошқариш ва планлаштиришни такомиллаштириш каби муҳим масалаларига ҳам катта эътибор берилган.

Тўпламда ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг мамлакат халқ хўжалигини ривожлантириш йиллик планлари ва давлат бюджети лойиҳаларини муҳокама қилган Пленумларида сўзлаган нутқидан материаллар биринчи бор эълон қилинган.

Тўплам партия-хўжалик кадрларига, совет, касаба союзлари ва комсомол ходимларига, идеология ходимларининг кўп минг кишилик армиясига, барча меҳнаткашларга коммунистик қурилиш ҳозирги босқичида совет халқи олдида турган иқтисодий вазифалар мазмуни, аҳамияти ва уни ҳал этиш йўлларини чуқурроқ тушуниб етишларига ёрдам беради. (ТАСС).

ДЎСТЛАР МАСЛАҲАТИ — ОЛТИНДАН ҚИММАТ

МУСОБАҚАДОШ Жиззах областининг бир группа қишлоқ хўжалиги мутахассислари, партия, совет органларининг ходимлари областимиз далаларида бўлдилар. Улар колхоз ва совхозларда беш йиллигининг якунловчи йилида пахта, сабзавот, деҳқончилик ва чорвачиликнинг турли соҳаларида олинган юксак социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши йўлида қилинаётган ишлар билан атрофлича танишдилар.

Пойтахт области колхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторлари, қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаётган ходимлар бу йилги об-ҳаво қийинчиликларини, сув танқислигини мардонавор енгиб, план ва мажбуриятларни бажариш ҳамда маҳсулот етиштиришни янада кўпайтириш йўлида ғайрат, шижоат, матонат кўрсатмоқдалар. Пахтакорларнинг бутун куч ва эътибори ҳар бир ишни ўз вақтида, юқори сифатли ўтказишга, бирон туп ғўзани ҳам чанқатиб қўймай, серҳосил бўлиб ўсишига, ўтга, ҳашаротга қарши курашни бир минут ҳам бўшаштирмай, қатор ораларида ишлаш ва культивацияни сифатли ўтказишга қаратилган. Ҳозир ҳамма далаларда чеканка бошлаб юборилди. Илғор хўжаликлар мўл ҳосилнинг манбаларидан бири бўлган бу ишни машиналарда, қисқа муддат ичида тўла тугалладилар.

Кўп йиллик тажрибага эга бўлган миришкор пахтакорларнинг поёнсиз пайкаллари мўл ҳосилнинг чўғи кўзга ташланиб қолди. Ҳар тупда олти-еттитадан кўсак, қанчада-қанча гул ва тугунчалар деҳқон қалбини севинча тўлдирмоқда. Янгийўл районидаги «Коммунизм», «Ленинизм», Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», Чиноз районидаги «Қизил Октябрь», Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозлари ва айрим совхозлар мўл ҳосил учун курашда бошқаларга намуна бўлиб, ғўза парваришини юқори сифатда олиб бормоқдалар. 50—55 центнерчи бригадаларнинг ватанпарварлик ташаббуслари кенг кулоч ёймоқда. Машҳур механизатор Турсунои Охунова бошчилик қилаётган Чиноз районидаги Киров номли колхознинг бригадасида иш яхши ташкил этилган, суғориш, чеканка, ҳашаротга қарши кураш юксак агротехника талаблари даражасида олиб борилмоқда.

Область партия комитетининг бўлиб ўтган кенгайтирилган бюросида мусобақадошлар пахтакорларимиз меҳнатига юксак баҳо бердилар. Дўстлар маслаҳати — олтиндан қиммат. Бу, шундай. Буни бир неча мисолларда ёрқин кўриш мумкин. Ҳақиқий дўст ўз касбдошининг, бирга ишлаб, бирга яшаб, умумхалқ манфаати йўлида хизмат қилаётган дўстининг камчилик ва нуқсонларини кўрсатади, унга дўстона ёрдам беради, маслаҳат ва йўл йўриқлари билан кўмаклашади. Жиззахлик пахтакорлар худди ана шу йўсинда иш тутмоқдалар. Ўзаро текшириш шу нарсани кўрсатдики, областимизнинг айрим районлари, колхоз ва совхозлари бу йилги қийин шароитни ва олдимизда турган юксак масъулиятни ҳали ҳам тўла ҳис этганларича йўқ.

Баъзи район ва хўжалик раҳбарлари дастлабки ҳосилга маҳлиё бўлиб, ғўза парваришини сусайтириб юбордилар. Ишловга, ўғит ва культивацияга муҳтож далалар эътибордан четда қолган. Ола-була сув ичган, чанқаб ётган, ўтга ва ҳашаротга чалинган пайкаллар бор. Чеканка сифатсиз ўтказилмоқда. Янгийўл районидаги «Интернационал» колхозида чеканка машиналари яхши ишлатилмаганлиги натижасида ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда. Бекобод районидаги Ойбек номли совхозда, Пискент районидаги 1-«Пискент» совхозида меҳнатни ташкил этиш қониқарли эмас. Далаларда колхозчи ва совхоз ишчилари камдан-кам кўринади. Айниқса 1-«Пискент» совхозида чанқаб ётган ғўзаларни кўриб юрагингиз ачийди. Совхоз директори ўртоқ Ҳ. Мирзаев район ва область партия комитетларининг ҳамда ўзаро текшириш бригадасининг тўғри, ҳаққоний эътирозларидан ва огоҳлантиришларидан ҳеч қандай хулоса чиқариб олмаётир.

Шу кеча-кундузда сув ҳосилнинг тақдирини ҳал этади. Афсуски, Урта Чирчиқ, Чиноз, Оққўрғон, Бўка ва бошқа районларнинг колхоз-совхозларида сувчилар етишмайди. Уларнинг иши устидан назорат қилинмайди. Оққўрғон районида ғўза парвариши соҳасида қилинаётган ишлар мусобақадошларимизни ўнча қаноатлантирмади. Ҳосилга кирмаган, ҳали яхши парвариш қилиниши керак бўлган ғўзаларни кўпгина хўжаликларда кўриш мумкин. Айрим колхоз ва совхозларда культивация тўхтатиб қўйилган. Сувнинг исроф бўлишига йўл қўйилмоқда. Шу нарса ачинарлики, ғўзага шарбат оқизишга юзаки қаралмоқда. Дала бошига келтириб қўйилган маҳаллий ўғитлардан фойдаланилмаётир.

Мусобақадошларимиз чорвадор, сабзавоткор хўжаликларида ҳам бўлдилар. Калинин ва Оржоникидзе районларида сабзавотни мўл етиштириш соҳасида қилинаётган ишлар дўстларимизда катта таассурот қолдирди. Республикамизнинг бу икки асосий сабзавоткор райони шаҳар меҳнаткашларини турли ноз-неъматлар билан мўл-кўл таъминлашда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Лекин Бўстонлиқ райони сабзавоткорлари ишида анчагина нуқсонлар бор. Бу ерда сабзавот экинлари парвариши, етилган ҳосилни давлатга ўз вақтида етказиб бериш яхши ташкил этилмаган. Сабзавот экиларини ўт босган. Такрорий экинлар экиш кўнгилдагидек эмас.

Жиззахлик дўстларимиз колхоз ва совхозларда ғиғим-теримга тайёргарлик, терим агрегатларини ремонт қилиш, пахта пунктларини мавсумга ҳозирлаш, техника кадрларини ўқитиш ва уларга таълим бериш ишлари қандай бораётганлиги билан ҳам танишдилар. Кўпчилик хўжаликлар бу соҳада анчагина ишлар қилдилар. Урта Чирчиқ районидаги Охунбоев номли колхоз пахтакорларининг бу соҳадаги ишлари ҳаммага маъқул бўлди. Хўжаликнинг техникага ихлосманд раҳбарлари бу йил ҳам ҳосилнинг деярли ҳаммасини машиналарда териб олишга қарор қилганлар. Техника ремонтини тугалламаган, машина теримга тайёргарликни суст олиб бораётган, кадрлар таълимини яхши йўлга қўймаган колхоз ва совхозларнинг ишлари ҳаққоний равишда танқид қилинди.

Ҳосил учун, юксак социалистик мажбуриятнинг тақдири учун курош — ҳаммамизнинг жонажон ва шарафли ишимиз. 430 минг тонналик улкан хирмонимизнинг тақдири шу кунлардаги меҳнатимизга боғлиқ. Мусобақадошларимизнинг маслаҳатларига амал қилиб, пахта далаларида иш суръатини янада ошириш, қолган кунларни, айниқса август ойини зарбдор меҳнат билан ўтказиш лозим. Ҳар бир туп ғўзада мўл ҳосил тўплайлик, бирон кўчатни ҳам ўтга, ҳашаротга олдирмайлик. Сувчилар меҳнатини яхши ташкил этайлик. Ҳар бир ниҳол оби-ҳаётга қонсин. Чеканкани қисқа муддатда, юқори сифатли ўтказайлик. Кўсакка кўсак, гулга-гул қўшайлик. Далада меҳнат қилаётган аъзмат пахтакорларга ҳар тарафлама ғамхўр ва меҳрибон бўлайлик. Жиззахлик мусобақадошлар кўрсатган камчиликларни гез кунда бартараф қилайлик.

Бутун мамлакатимиз буюк воқеа — КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш иштиёқида яшамоқда, меҳнат қилмоқда. Партия ва ҳукуматимизнинг совет халқига Мурожаати, космосда, мамлакат ичкарисида эришилаётган буюк ғалаба ва зафарлар халқимизни меҳнатда янгидан-янги чўққиларга илҳомлантирмоқда. Марди-майдон деҳқонларимиз бунга жавобан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпроқ етиштириш, эл-юртни бой ва фаровон қилиш учун курашмоқдалар. Якунловчи йил план ва топшириқларини ҳамда социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарайлик. Бу — жонажон партиямизнинг бўлажак тарихий форумига бизнинг муносиб совғамиз бўлади.

Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхозининг «Ҳурмат Белгиси» орденли Самандар Жўраев бошчилик қилаётган бригада аъзолари ҳосилга-ҳосил қўшиш ниятида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Суратда: социалистик мусобақа пешқадами механизатор Қосим МАМАТҚУЛОВ. (Пастда) ғўзаларга ишлов бериш пайти.

Т. Маҳкамов фотолари.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ХЕЛЬСИНКИГА КЕЛДИ

ХЕЛЬСИНКИ, 29 июль. (ТАСС махсус мухбири). Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи босқичида қатнашмоқ учун Совет Иттифоқи делегацияси бугун Финляндия пойтахтига келди.

Делегацияга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилик қилмоқда.

Делегация составида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико (делегация бошлиғининг ўринбосари), КПСС Марказий Комитетининг аъзоси К. У. Черненко, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Г. Ковалевлар бор.

КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, ТАСС бош директори Л. М. Замятин, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари И. Н. Земсков, СССР Ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзолари Г. М. Корниенко, А. П. Бондаренко ва бошқа расмий кишилар делегация билан бирга бу ерга келдилар.

Совет Иттифоқи ва Финляндия давлат байроқлари билан безатилган вокзалда Л. И. Брежневни, делегация аъзоларини Финляндия Республикасининг президенти Урхо Кекконен, Финляндия ташқи ишлар министри О. Маттила ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Совет — Финляндия чегарасида Л. И. Брежневни Финляндия Бош министри К. Лийнамаа, СССРнинг Финляндиядаги элчиси В. С. Степанов ва Финляндиянинг СССРдаги элчиси Я. Халлама кутиб олдилар ҳамда Хельсинкигача унга ҳамроҳ бўлдилар.

Вокзалда кутиб олувчилар орасида социалистик мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари бор эди.

Хельсинкидаги совет муассасаларининг ходимлари Л. И. Брежневни самимий табриклардилар. Болалар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарига ва Финляндия Республикасининг президентига қизил чинниғул дасталари тақдим этдилар.

Етиб келгандан кейин Финляндия Республикасининг президенти У. Кекконен Л. И. Брежневни ҳурматли меҳмонлар салонига таклиф қилди. Бу ерда қисқа суҳбат бўлиб ўтди.

Финляндия пойтахтининг аҳолиси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневни вокзал биноси олдидаги майдонда ва резиденциягача бўлган бутун йўл давомида табриклади.

ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ЗАРБДОР ОДИМЛАРИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ 1975 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИДА БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАЛАРИНИНГ АХБОРОТИ

Область меҳнаткашлари КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш ва тўққизинчи беш йиллиқнинг сўнгги йилида олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун мусобақани авж олдириб, ўтган биринчи ярим йилликда халқ хўжалиги барча тармоқларини ривожлантиришда, халқ турмушининг фаровонлигини ва маданий савиясини юксалтиришда янги муваффақиятларга эришдилар.

Халқ хўжалиги тармоқлари бўйича ярим йиллик планнинг бажарилиш кўрсаткичлари қуйидагича бўлди:

1. САНОАТ.

Ярим йиллик реализация плани 104,4 процент қилиб бажарилди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан 11,2 процент ошди, йиллик планда эса 10,5 процент ошиши назарда тутилган эди. Меҳнат унумдорлиги 7,0 процент ортди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг 65,2 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Фойда олиш плани бажарилди.

Айрим саноат тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1974 йилнинг биринчи ярим йилидагига нисбатан қуйидагича кўпайди: электр энергетикада 7,6 процент, ёқилғи саноатида 14,5 процент, қора ва рангли металлургияда 9,4 процент, химия саноатида 22,9 процент, машинасозлик ва металл ишлашда 13,9 процент, ўрмон ва ёғоч ишлаш саноатида 14,6 процент, бинокорлик материаллари саноатида 7,3 процент, енгил саноатда 7,6, шу жумладан пахта тозалаш саноатида 7,6 процент, озиқ-овқат саноатида 9,1 процент ортди.

Областдаги барча шаҳарлар ва районлар саноати, Оржоникидзе районидан ташқари, маҳсулот реализацияси бўйича январь-июнь ойлари планини тўла ва ошириб бажардилар.

Область шаҳарлари ва районларида маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиши, саноат ишлаб чиқариши ва меҳнат унумдорлигининг ортиш суръатлари қуйидагича бўлди:

	Маҳсулотни реализация қилиш ярим йиллик планининг бажарилиш процента	1975 йилнинг биринчи ярмида 1974 йилнинг биринчи ярмига нисбатан процент ҳисобида	
		ялпи маҳсулот	меҳнат унумдорлиги
Умуман область бўйича:	104,4	111,2	107,0
Шаҳарлар:			
Тошкент	104,1	111,3	107,0
Олмалиқ	102,1	113,1	111,4
Ангрен	105,3	111,0	109,0
Бекобод	106,0	114,5	95,5
Чирчиқ	102,2	109,1	106,7
Янгийўл	106,4	104,7	102,7
Районлар:			
Оққўрғон	109,1	106,8	112,0
Оҳангарон	104,5	114,5	111,1
Бекобод	112,2	100,7	100,4
Бўстонлиқ	109,7	111,9	106,0
Бўка	117,3	106,2	103,3
Юқори Чирчиқ	111,2	108,0	100,7
Калинин	109,0	112,4	105,6
Қуйи Чирчиқ	108,7	109,5	109,1
Оржоникидзе	93,2	113,5	96,2
Пискент	111,3	114,7	112,6
Ўрта Чирчиқ	104,2	121,9	116,6
Чиноз	111,7	117,4	114,0
Янгийўл	106,6	109,4	108,1

Кўмир қазиб чиқариш, минерал ўғитлари, химия асбоб-ускуналари, цемент, рўзғор холодильниклари, пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича шу йилнинг биринчи ярмига мўлжалланган социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилди.

Муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1975 йилнинг биринчи ярмида ишлаб чиқарилди	1975 йилнинг биринчи ярмида 1974 йилнинг биринчи ярмига нисбатан процент ҳисобида
Электр энергияси — миллиард киловатт-соат	8,4	108
Кўмир — минг тонна	2544	116
Куч трансформаторлари — минг киловольт-ампер	2521	117
Брон кабели — минг километр	9,2	106
Компрессорлар — дона	2698	107
Тракторлар — минг дона	11,4	105
Трактор прицеплари — минг дона	17,5	99,0
Трактор культиваторлари — минг дона	11,0	96
Пахта териш машиналари (физик бирликда) — дона	3941	110
Кўрак чувиш машиналари — дона	1370	110
Электр кўприк кранлари, махсуслари ҳам ҳисобга киради — дона	591	103
Экскаваторлар — дона	679	102
Цемент — минг тонна	1315,5	103
Ғиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари — минг куб метр	1039,4	103
Иморатбоп ғишт — миллион дона	351,3	103
Асбоцемент шифери — шартли миллион плита	97,4	111
Дераза ойнаси — минг квадрат-метр	1535	125
Қоғоз — минг тонна	12,9	105
Мебель — миллион сўмлик	22,4	110
Рўзғор холодильниклари — минг дона	38,8	105
Газ плиталари — минг дона	70,0	101
Пахта толаси — минг тонна	82,2	116
Канап толаси — минг тонна	16,3	103
Ип газламалари — миллион квадрат метр	78,2	102
Пайпоқлар — минг жуфт	20,0	80
Ички трикотаж — миллион дона	4,9	103
Устки трикотаж — миллион дона	3,1	96
Чарм пойафзал — миллион жуфт	5,9	109
Ғўшт (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна	21,0	113
Ўсимлик мойи (давлат ресурслари хом ашёсидан) — минг тонна	25,9	98,1
Кондитер маҳсулотлари — минг тонна	30,4	106
Консервалар — шартли миллион банка	19,4	124
Маданий-маиший ва уй-рўзғор товарлари — миллион сўмлик	100,2	120

1974 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан кўмир қазиб чиқариш 350 минг тонна, электр энергияси ҳосил қилиш 595,6 миллион киловатт-соат, куч трансформаторлари ишлаб чиқариш 363 минг киловольт-ампер, минерал ўғитлари 222,3 минг тонна, тракторлар 544 дона, компрессорлар 175 дона, қишлоқ хўжалиги машиналари 13,4 миллион сўмлик, пахта териш машиналари 341 дона, кўрак чувиш машиналари 122 дона, химия асбоб-ускуналари 1,3 миллион сўмлик, ғиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари 32,5 минг куб метр, асбоцемент қувурлари шартли 171 километр, линолиум 27 минг квадрат метр, мебель 2,0 миллион сўмлик, рўзғор холодильниклари 1,7 минг дона, пахта толаси 11,1 минг тонна, ип газламалари 1,6 миллион квадрат метр, ғўшт 2,4 минг тонна, қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари 8,7 минг тонна, колбаса маҳсулотлари 832 тонна, консервалар ишлаб чиқариш шартли 3,7 миллион банка кўпайди.

Шу билан бирга айрим маҳсулотлар бўйича ярим йиллик план бир мунча бажарилмай қолди. Масалан, куч трансформаторлари, экскаваторлар, иморатбоп ғишт, мебель, ёритиш шнури, чарм пойафзал, ўсимлик мойи, совун ишлаб чиқариш плани бажарилмади.

Областдаги қатор корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, товар маҳсулоти таннархини камайтириш ярим йиллик планини бажаришнинг уддасидан чиқмади. Ҳали ҳам область корхоналарида иш вактининг анчагина қисми бекор ўтказилмоқда, тўғри, бекор ўтаётган иш вақти ўтган йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан камайди.

Область корхоналарида янги техника ва илғор технологияни жорий қилиш бўйича ишлар давом эттирилди. Областдаги қатор корхоналар ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини оширмоқдалар. тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича ишларни давом эттирмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).

ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ЗАРБДОР ОДИМЛАРИ

(Боши 1-бетда)

II. ТРАНСПОРТ

Тошкент темир йўл бўлинмаси юк ташиш ярим йиллик планини 102 процент қилиб бажарди ва юк ташиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан тўққиз процент кўпайди.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль транспорти халқ хўжалиги юклари ташиш ярим йиллик планини 104,7 процент қилиб адо этди, пассажирлар ташиш плани эса 101,9 процент қилиб бажарилди. 1974 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан пассажир обороти 6,7 процент, пассажирлар ташиш 7,8 процент ошди.

Тошкент авиация бўлинмаси пассажирлар ташиш бўйича биринчи ярим йиллик планини 112,1 процент қилиб адо этди. Ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 15,7 процент кўп пассажир ташилди.

III. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари 1975 йил ҳосили учун баҳорги қишлоқ хўжалик экинларини муваффақиятли экиб олдилар. **Барча категориядаги хўжаликларда бу йил қишлоқ хўжалиги экинлари экилган умумий майдон 353,8 минг гектар, шу жумладан суғориладиган ерларда 289,5 минг гектари ташкил этди.**

Бу йил сув танқис бўлган мураккаб шароитларда область деҳқонлари экинларни парваришлаш соҳасида зўр ғайрат билан ишламоқдалар. Ғаллакор колхозлар ва совхозлар бошоқли дон экинлари ҳосилини асосан йиғиштириб олдилар.

Область чорвадорлари 1975 йилнинг биринчи ярмида муайян муваффақиятларни қўлга киритдилар. Колхоз ва совхозларда чорва ва парранда сони кўпайди, уларнинг маҳсулдорлиги ортди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва уларни давлат томонидан харид қилиш кўпайди.

Колхоз ва совхозлардаги маҳсулдор чорва ва паррандалар сони қуйидагича бўлди (минг бош):

	Биринчи ярим йилликда		1975 йилнинг биринчи ярмида 1974 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан процент ҳисобида
	1974 йил	1975 йил	
Йирик шохли қорамоллар	140,4	150,2	107
Шу жумладан, сигирлар	41,5	44,1	106
Чўчқалар	56,0	66,3	122
Қўй ва эчкилар	504,2	495,4	98
Паррандалар — жами	3420,0	3577,7	105

Колхоз ва совхозларда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан сут бўйича 9,0 процент, гўшт бўйича 8,0 процент, тухум бўйича 10,0 процент ошди. Ҳар бош сигир ҳисобига соғиб олинган сут миқдори 6,0 процент кўпайди.

Барча категориядаги хўжаликларда чорвачилик маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш қуйидагича бўлди:

	Биринчи ярим йилликда		1975 йилнинг биринчи ярмида 1974 йилнинг биринчи ярмидагига нисбатан процент ҳисобида
	1974 йил	1975 йил	
Чорва ва парранда (тирик вазнда) — тонна	14709	16347	111,1
Сут — тонна	46748	50540	108,1
Тухум — минг дона	75629	81103	107,2

Чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш биринчи ярим йиллик халқ хўжалик плани ортиғи билан бажарилди. Давлатга ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан чорва ва парранда 11,1 процент, сут 8,1 процент, тухум 7,2 процент кўп сотилди.

1975 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалигига замонавий техника, барча маркадаги тракторлар, юк ва махсус автомобиллар, ғалла комбайнлари, пахта терши машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари етказиб бериш давом этди. Қишлоқ хўжалиги кўп миқдорда минерал ўғитлари олди.

IV. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Ўтган ярим йилликда халқ хўжалигининг барча тармоқларида капитал қурилиши янада ривожланди. Давлат капитал маблағлари ҳисобига қиймати 195,2 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди.

Область ва Тошкент шаҳри халқ хўжалигининг турли тармоқларида янги ишлаб чиқариш объектлари ва қувватлари фойдаланишга топширилди. Шу йилнинг биринчи ярмида Оҳангарон ун комбинатида 36 минг тонна ғалла сақланадиган элеватор бинолари фойдаланишга топширилди, турли кучланишдаги 420 километрдан ортиқроқ электр узатиш линиялари тортилди. 38 километрдан ортиқроқ газ тармоқлари қурилди, «Хлопкоприбор» заводида 6,1 минг квадрат метр сатҳли ишлаб чиқариш майдони қурилди, Тошкент бинокорлик материаллари комбинатида 150 минг квадрат метр пештоқ плиталари ишлаб чиқарувчи қувватлар, Тошкент тўқнамачилик комбинатида 50 та автоматлашган тўқув станоклари фойдаланишга топширилди.

Биринчи ярим йилликда маблағ билан таъминлашнинг марказлашган манбалари ҳисобига 323,3 миллион сўмлик давлат капитал маблағлари ўзлаштирилди.

Қишлоқ хўжалигида давлат ва колхозлар маблағлари ҳисобига 100,9 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 1955 гектар янги суғориладиган ерлар фойдаланишга топширилди, 1083 гектар майдонда капитал планировкалаш ишлари амалга оширилди, 3356 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Тошкент область ва Тошкент шаҳридаги етакчи қурилиш трестлари ва бошқармалари томонидан ярим йиллик планнинг бажарилиши қуйидагича бўлди: (процент ҳисобида):

	Жами пудрат ишлари ҳажми бўйича	Ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми бўйича
«Главташкентстрой»	102	103
«Алмаликсвинецстрой»	100,1	102
«Узбекшахтострой»	103	98
6-қурилиш трести	102	100,9
16-қурилиш трести	94	95
160-қурилиш трести	100,5	102
23-қурилиш трести	105	105
«Ташоблсельстрой»	104	115
«Ташкентводстрой»	100,6	102
«Ташоблмеливодстрой» қурилиш бошқармаси	105	104
«Промжилводстрой»	104	99,8

Шу билан бирга қурилишда айрим камчиликлар содир бўлди, бунинг оқибатида қатор қурилишларда капитал маблағ сарфлаш планлари, асосий фондлар ва ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш планлари бажарилмай қолди.

Айрим қурилиш трестлари ва бошқармалари ишлар ҳажми, меҳнат унумдорлиги ва қурилиш-монтаж ишлари таннархи бўйича планнинг бажарилишини таъминламадилар.

V. ХАЛҚ ТУРМУШИНИНГ МОДДИЙ ФАРОВОНЛИГИ ВА МАДАНИЙ САВИЯСИНИНГ ОШИШИ

Ўтган ярим йилликда меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишга, уларга маданий ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди.

Тошкент область ва Тошкент шаҳри халқ хўжалигида (колхозлардан ташқари) **банд бўлган ишчи-хизматчилар сони 1975 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 0,31 минг киши ёки 2,8 процент кўпайди.**

Ишчи ва хизматчиларнинг ойлик ўртача иш ҳақлари 1974 йилнинг биринчи ярмидагига қараганда 4,6 процент ошди.

Ўтган ярим йилликда истеъмолнинг ижтимоий фондларидан аҳолига бериладиган тўловлар ва имтиёзлар 1974 йилнинг шу давридагига нисбатан анча кўпайди. Ана шу фондлар ҳисобидан аҳоли бепул билим олмоқда ва медицина хизмати билан таъминланмоқда, пенсиялар, нафақалар ва социал таъминот бўйича бошқа ҳаражатлар тўланмоқда, стипендиялар берилмоқда, санаторий ва дам олиш уйларига пулсиз ва имтиёзли шартларда йўлланмалар берилмоқда, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари ва социал маданий хизматнинг бошқа турлари учун сарфланмоқда.

Аҳолининг омонат кассалардаги омонатлари 1975 йил 1 июлига келиб 733,0 миллион сўмни ташкил этди, омонатчилар сафи эса 843 минг кишига етди.

Шу йилнинг биринчи ярмида аҳолининг омонатлари 1974 йилнинг шу давридагига нисбатан 16,3 процент, омонатчилар сони эса 4,9 процент кўпайди.

1975 йилнинг биринчи ярмида давлат ва кооператив савдо ташкилотлари 1127,8 миллион сўмлик товарлар сотишди. Солиштирма нархларда товар обороти ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,6 процент кўпайди. Матлубот кооперацияси тармоқларида шу йилнинг биринчи ярмида маҳаллий бозорлардаги нархлар бўйича 5051 минг сўмлик қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотилди. Халқ истеъмоли ва маданий-маиший товарлар сотиш кўпайди. **Ярим йиллик чакана товар оборотн плани, умумий овқатланиш ҳам қўшиб ҳисобланганда 101,1 процент қилиб бажарилди.**

Ўтган ярим йилликда Тошкент область ва Тошкент шаҳрида уй-жой ва маданий-маиший қурилиш янада ривожланди. **Давлат капитал маблағлари ҳамда жамоат ташкилотлари, уй-жой қурилиш кооперативлари ва колхозлар маблағлари ҳисобига умумий фойдали майдонн 419 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди, бу ўтган йилнинг биринчи ярмида қурилган уй-жой ҳажмидан 112 минг квадрат метр кўпдир.** Бундан ташқари, колхозлар ва аҳоли томонидан ўз маблағлари ҳамда давлат кредити ёрдамида уйлар қурилди.

856 ўқувчи ўрни бўлган умумий таълим мактаблари, 230 ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, 500 беморни қабул қиладиган поликлиника фойдаланишга топширилди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8,8 процент кўпайди. Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғи кенгайди. Тошкент области ва Тошкент шаҳрида маиший хизмат кўрсатиш ярим йиллик плани 99,4 процент, шу жумладан қишлоқ жойларда 97,3 процент бажарилди.

Шаҳарлар, шаҳар посёлкалари ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишлари, уй-жойлар ва коммунал-маиший хизмат корхоналарини газлаштириш давом эттирилди. **1975 йилнинг биринчи ярмида 16039 квартира газлаштирилди.**

Халқ маорифини, фан ва маданиятни ривожлантиришда катта ютуқларга эришилди. 927 минг киши таълимнинг ҳар хил турлари билан қамраб олинди.

Умумий таълим мактабларида 714,3 минг ўқувчи таълим олди. 1975 йилда 48,5 минг йигит ва қиз умумий ўрта мактабларни битирдилар ва етуклик аттестати олдилар, шундан 8,1 минг киши ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта маълумот олди. 64,2 минг киши саккиз йиллик мактабни тугатди. Бу йил олий ва ўрта махсус ўқув юртларини 36,8 мингдан ортиқ мутахассис битириб чиқади, уларнинг 20,4 мингдан ортиқроғи олий маълумотли мутахассис бўлиб чиқади.

Кино қурилмалари, клублар, оммавий кутубхоналар тармоғи янада кенгайди.

Аҳолига медицина ёрдами кўрсатиш яхшиланмоқда. Касалхоналар ва амбулатория-поликлиника, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари тармоғи кенгайди, врачлар ва ўрта малакали медицина ходимлари кўпайди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.
ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ САМАРАСИ

В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон техника заводи республикамизнинг илғор корхоналаридан ҳисобланади.

Коллектив тўқкизинчи беш йилликнинг ва унинг сўнгги йили топшириқларини шараф билан бажариш, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан бошланган социалистик мусобақанинг олдинги сафида бормоқда. Бир неча ойдан бери ишчи-хизматчилар келгуси йил ҳисобига маҳсулот бермоқдалар. Улар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни реализация қилиш бўйича Э-беш йиллик топшириғини муддатидан анча илгари — 19 апрелдаёқ шараф билан бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Ишлаб чиқаришнинг бошқа муҳим техник-иқтисодий кўрсаткичлари, жумладан меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархни арзонлаштириш бўйича ҳам катта ютуқлар қўлга киритилянти.

Корхона коллективи меҳнатда эришаётган ана шундай зафарларнинг омили турли-тумандир. Уларнинг энг асосийларидан бири шундаки, заводда техникани тараққий эттиришга доим катта эътибор бериб келинмоқда. Айтиш мумкинки, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини янада ошириш, шу мақсадда илғор технологияни ва иш усулларни жорий қилиш, жараёнларни механизациялаш ва автоматлаштириш, қўл меҳнати сарфини, оғир операцияларни камайтириш учун кураш умумколлектив ишга айланган. Корхонада ишлаб чиқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган жуда кўп ташкилий-техникавий тадбирлар мўлжаллаб қўйилди.

Қ. РАҲИМОВ,
Т. ДАДАМУҲАМЕДОВ.

ЧИРЧИҚ ХАБАРЛАРИ

МОҲИРЛАРГА МУКОФОТЛАР

«Чирчиқсельмаш» заводида яқинда бир хушхабар тарқалди: корхонанинг икки ишчиси СССР Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги бўйича «Ўз касбининг устаси» деб аниқланди ва икки бригада вимпел билан тақдирланди. Ким экан улар?

Биринчиси — қуюв цехининг ишчиси Юрий Ли. У бир неча марта «Касби бўйича энг моҳир» конкурсларида ғолиб чиққан. Кунлик нормаларини 120—130 процент бажариб, социалистик мусобақада доим пешқадамлар сафида. Шахсий беш йиллик топшириғини республика юбилейи кунида адо этди. Иккинчиси — 3-цех фрезерчиси Файзи Ёқубова. У ишлаб чиқариш топшириқларини мунтазам равишда ошириш билан бирга маҳсулот сифатини яхшилашда каттагина ютуқларга эришмоқда.

Бу икки ишчига министрлик ҳамда машинасозлик саноати ишчилари касаба союзлари Марказий Комитетининг фахрий дипломи топширилди. И. Телегин ҳамда Р. Юсупов бошлиқ бригадалар вимпеллар билан тақдирланди.

САРФ КАМ, МАҲСУЛОТ МЎЛ

Электрохимия комбинатининг барча 23 комсомол-ёшлар бригадаси ва сменаларининг коллективлари «КПСС XXV съездига 25 зарбдор декада» ташаббусига қўшилиб ишламоқда. Социалистик мусобақада А. Сопиев, С. Замитов, Т. Текеновлар бошлиқ бригадаларнинг азаматлари пешқадамлик қилишянти.

Комсомол-ёшлар якунловчи йилнинг биринчи ярми планини муддатидан илгари адо этишди. Пландан ташқари белгиланган 4900 тонна ўрнига 5700 тонна минерал ўғит тайёрланди. Шунингдек, 43,5 минг сўмлик хомашё ва материаллар тежаб қолинди.

Съездолди мусобақасида аммиак селитраси цехининг коллективи олдинда боряпти. Бу цехда ҳам асосан ёшлар меҳнат қилишади.

* *

ПАХТАКОРЛАР УЧУН

«Ташсельмаш» заводининг аҳил коллективи июль ойи охиригача 622 та пахта терш машинасн ишлаб чиқаришга ҳаракат қиляпти. Корхонада ҳар ойда 30 та «Узбекистон» пахта терш машиналари тайёрланмоқда. Суратда: пешқадам слесар Омонжон Сандов. У кунлик нормаларини мунтазам ошириб бажаряпти.

* *

КОНТЕЙНЕР УСУЛИГА КЕНГ ЙЎЛ

Тошкент товар станциясида эртаю-кеч иш қайнайди. Улкан дарвозадан кириб-чиқаётган юклиюксиз машиналарнинг кети узилмайди. Юк майдонида ишчилар кетма-кет келаётган составларни зудлик билан қабул қилиб олиб, вагонларнинг бир хил адресга жўнатиладиганларни ажратадилар ва яна қўшимча кичик составлар тузишади. Бир ёқда эса юк тушириш ва бўш вагонларга юк ортиш ишлари тинимсиз давом этади.

Товар станцияси Тошкент шаҳри ва областдаги ўнлаб йирик саноат корхоналарига хизмат қилади. Саноат корхоналарининг иқтисодий қуввати йил сайин юксалиб бораётганлиги сабабли товар станцияси ишчи-хизматчиларининг юмушлари ҳам ортиб бораётир. Масалан, ўтган йилнинг ўзида шаҳар ва область бўйича саноат ишлаб чиқариши ҳажми 10 процент ошди, тўртта йирик корхона янгидан ишга туширилди. Ўтган бир ярим йил ичида барча корхоналарда 3 миллиондан зиёд вагон бўшатилди ва юк ортилди.

Юк ортиш ва тушириш ишларининг ҳажми йил сайин ортиб бораётганлиги учун Ўзбекистон КП область комитети ва область ижроия комитети вагонларнинг бекор туриб қолмаслиги ва ҳаракатдаги составнинг оборотини тезлаштиришга қаратилган бир қатор қарорлар қабул қилди. Бу қарорларда йўл хўжалиги қувватини ошириш, юк ортиш ва тушириш ишларидаги оғир қўл меҳнатини кескин камайтириш учун янги механизация воситаларини жорий этиш ва илғор усулларни қўллашнинг конкрет йўллари белгилаб берилган. Шунингдек, юк жўнатувчилар билан темирйўлчилар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш, улар ишини координациялаш, шунингдек, раҳбар ходимларда ўз вазифаларига жиддий масъулият билан қараш, транспорт воситаларидан фойдаланишга давлат нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш хусусиятларини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Муҳим қарорларни тезроқ амалга ошириш мақсадида Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлими ҳамда шаҳар марказлаштирилган юк ташиш автотрести коллективлари ўзаро ҳамкорликда ишлашга аҳд қилишиб, юқсак социалистик мажбурият қабул қилдилар. Бу икки ташкилот республикамизда биринчи бўлиб Қора денгиз кемалари ва Одесса автомобилчиларининг ташаббусига қўшилган эди.

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТЕКШИРАМИЗ

Тошкент темир йўл бўлинмаси ишчи хизматчилари вагон ва контейнерларнинг, юк кўтариш механизмларнинг қувватларидан тўла фойдаланиш, юк ортиш ва тушириш ишларини жадаллаштириш, «вагон-автомашина» ва «автомашина-вагон» усулида юк ортиш ва туширишни 40 процентга етказиш, вагон ва контейнерларнинг бекор туриб қолиш ҳолларини кескин камайтириш ҳисобига планга қўшимча 19 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб бериб, 30 минг сўмлик соф фойда олишга сўз беришди.

Автомобилчилар эса йил давомида алмаштирилувчи ярим прицеплардан 15 таснни жорий этиш ҳисобига юк ташиш ишларини бир маромда узлуксиз давом этишини таъминлашга эришиб, йил охиригача планга қўшимча 75 минг тонна юкни манзилларига элтиб бериб, 60 минг сўмлик соф фойда олишга аҳд қилишди.

Ўтган ярим йил ичида бир мунча қувончли натижаларга эришилди. Товар станцияси коллективи социалистик мажбуриятларидаги энг асосий шартларни кўнгилдагидек бажармоқда. Масалан, юк ортиш ва туширишда «вагон-автомашина» ва «автомашина-вагон» усули билан жаъми ишнинг 38 проценти бажарилянти. Шунингдек, мажбуриятда кўрсатилган 1600 контейнер ўрнига 2242, 700 вагон ўрнига 407 та вагонга қўшимча юк ортилди.

Автотрест коллективи эса ҳозиргача 38,7 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб бериб, ярим йиллик планни анча ортиғи билан бажарди. Мажбуриятдаги 15 та ярим прицепнинг 13 таси ҳозирданоқ жорий этилди. Ярим йилнинг ўзида 60 минг сўм ўрнига салкам 72 минг сўмлик соф фойда олинди.

Бу рақамлар янада салмоқли бўлиши мумкин эди, Аммо автомобилчилар ва темирйўлчиларнинг доимий мижозлари бўлмиш кўпгина саноат корхоналари ўз юкларини вагон ва контейнерлардан белгиланган муддатда тушириб олмай, умумий ишнинг жадал давом этишига тўсқинлик қилишмоқда. Айрим корхона территорияларида юк ортилган вагон ва контейнерлар суткалаб туриб қолади. Бу соҳада, айниқса, Тошкент тамаки фабрикаси бошқаларга «намуна» кўрсатаётир. Шу йилнинг ўтган вақти ичида вагон ва контейнерларнинг бекор туриб қолиш ҳоллари кўпайиб, бунда 78 соат товар станциясига 361 сўмга тушди.

Кўн-галантерея фабрикаси рақобатлари ҳам товар станциясидан келтирилаётган юкларни зудлик билан тушириб олиш ҳақида мутлақо қайғурмайдилар. Бу корхона ҳам товар станциясига ярим йил ичида 258 сўм зарар келтирди. Бепарволикда Чилонзор ва Киров районлари райпищчеторглари ва «Ташхозқультторгъ» базалари ҳам улардан қолишмаётир. Ана шу ташкилотларнинг айби билан товар станцияси ярим йилда 15 минг сўм соф фойда олиш мажбуриятини бажаролмай қолди.

Тошкент сут комбинати, «Профтехснаб» ва «Ташпромторг» базалари, шаҳардаги деярли барча райпищчеторглар, Тошкент гўшт комбинати, Ангрендаги 4-темирбетон буюмлари заводи ҳам икки ташаббускор корхонанинг ишига тўсқинлик қилиб келаётир.

Шуни ҳам айтиш керакки, товар станцияси раҳбарлари ҳам юк ташиш ишларини уюштиришда баъзан пала-партишликларга йўл қўймоқдалар. Натижада кўплаб автовагонлар, автоприцеплар бекор туриб қолади. Ҳатто шундай ҳоллар ҳам учрайдики, баъзи контейнерлар керакли жойга тезда элтиб берилмай, станциянинг ўзида юки билан ойлаб туриб қолади. Албатта, бунда автомобилчиларнинг ҳам айби бор. Масалан, автотрест товар станцияси учун фақат автовагон ва автоприцеплар ажратишга ҳаракат қилади. Чунки, бу транспорт воситалари оз вақт ичида кўп ҳажмда иш бажариш имкониятига эга. Товар станцияси учун эса прицепсиз юк машиналари ҳам жуда зарур. Чунки, айрим корхоналар фақат бир контейнер ҳажмидагина юк олади. Бу юкни прицепсиз машинага ортиш мумкин ёки бўлмаса ўша йўналиш бўйича бошқа юк келишини кутиш лозим бўлади, ўнгача орадан ойлаб вақт ўтади.

Ҳар икки ташкилот ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш учун қатъий бел боғлаб, ҳатто биргаликда социалистик мажбурият қабул қилган экан, демак. бир-бирларига кўмаклашиб иш олиб боришлари зарур. Бажарилмаётган ишни мунтазам таҳлил қилиб бориш, вагон ва контейнерлардан, автомашина ва юклаш механизмларидан мумкин қадар унумлироқ фойдаланиш йўлларини биргаликда излаб топишлари даркор.

А. ИЎЛДОШЕВ.

ОНА ВАТАН БЎЙЛАБ

◆ **ХАБАРОВСК.** Амур соҳилидаги шаҳарда энг катта бўлган уй-жой биносига дастлабки гражданлар кўчиб киришди. Бу бинода қулай, яхши режалаштирилган 360 квартира бор.

Бу бино Хабаровскнинг жанубий чеккасидаги янги микрорайон марказида қад кўтарди. Бу ерда йил охиригача яна 1100 оила янги уйларга кўчиб киради. Стадион, мактаб, гаражлар, магазинлар, болалар яслилари қурилади.

Шу йил бошидан буён шаҳарда 78 минг квадрат метр уй-жой майдони қурилди. Тўқкизинчи беш йиллик мобайнида Хабаровскнинг жами уй-жой фонди учдан бир баравар кўпаяди.

ПАРРАНДАЧИЛИК САНОАТИ

◆ **МИНСК.** Белоруссияда энг йирик бўлган паррандачилик фабрикаси Минск яқинидаги Борисов районида қурила бошланди. Бу фабрика ҳар йили икки юз минг бош гоз етиштиради. Механизацияланган бу корхона 10 минг центнер парҳез гўшт ва сал кам ярим миллион дона тухум етказиб бера олади.

Паррандачиликни саноат негизига қўчиришни тугаллаган республикада беш йиллик бошидан буён тухум етиштириш икки баравардан зиёд кўпайди. Бу йил 1,1 миллиард донадан кўпроқ тухум етиштирилди. Ҳамма областларда паррандачилик бирлашмалари ташкил қилинган.

221 КАСБДАН ИСТАГАНИНГНИ ТАНЛАШ МУМКИН

◆ **ТКИБУЛИ** (Грузия ССР), Грузин шахтерлари шаҳри бўлмиш Ткибулида очилган индустриал техникумнинг қабул комиссиясига дастлабки аризалар тушди. Бу ерда металл ишлаш, саноат корхоналарининг электр ускуналари ҳамда саноат ва граждан қурилиши установкалари бўйича ўрта бўғин мутахассислари тайёрланади.

Янги техникум — республикадаги 98-ўрта махсус ўқув юртидир.

УЗУМ ПИШДИ

◆ **ОДЕССА.** Областда узумнинг сабо дурдонаси нави одатдагидан икки ҳафта илгари пишиб етилди. «Хаджибеевский» совхози Южно-Сахалинск меҳнаткашларига самолётда дастлабки мева ҳосилини жўнатди. «Днестровский», «Приморский» совхозлари ва бошқа хўжаликлар ҳам узум ҳосилини теріб олишга киришдилар. Ҳамма жойда ҳосил ўтган йилдагидан яхши.

ЧИНОЗ районидаги «Партия XXIV съезди» совхозида маккажўхоридан силос бостириш қизғин бошланди. Ҳозир ҳар гектар ердан 500 центнердан силос олинаётир. СУРАТЛАРДА: (ўнгда) комбайнчилар Абдулбоқи НОРБЎТАЕВ ва Тиркаш АВАЛБОЕВЛАР, (чапда) маккажўхори ўриш ва силос тайёрлаш.

А. Абалян фотолари.

МАККАЖЎХОРИ ВА ШОЛИДАН МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРАЙЛИК

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

Область колхоз ва совхозлари бу йил бошоқли дон ҳосили кам бўлганлигини ҳисобга олиб, маккажўхори ва шоли экинларидан мўл ҳосил етиштиришга алоҳида аҳамият бердилар.

Катта майдонларга экилган маккажўхори эрта кўкламданоқ сифатли парваришга қилина бошланди. Шу кунларда комсомол-ёшлардан иборат жуда кўп маккажўхорикорлик бригадалари ҳар гектар ердан 90—110 центнердан маккажўхори донни олиш учун кураш олиб бормоқдалар. Мана ҳозир маккажўхори экинларидан донлар тўлишиб етилмоқда.

Қуйи Чирчиқ районида бу йил 1200 гектар ерда маккажўхори, 2300 гектар ерда шоли етиштирилмоқда. Район хўжаликлари ҳар гектар ердан 52,5 центнер ўрнига 85,7 центнердан маккажўхори донни олишга қарор қилганлар. Ҳаммаси бўлиб 10 минг тоннадан ортиқ маккажўхори донни тайёрланади. Планда белгиланган 200 тонна ўрнига давлатга 3500 тонна маккажўхори донни сотқлади.

Райондаги Свердлов номли, Киров номли, Димитров номли ва Ҳамза номли колхозларда ҳар гектар ердаги маккажўхори тупларининг сони 50 минг тупдан ошади. Бу хўжаликлар гектар бошига 90—95 центнердан маккажўхори донни олишни мўлжаллаб иш олиб бормоқдалар. Яна бир-бир ярим ҳафтадан кейин маккажўхори ўримйиғими қизғин бошланади. Ҳамма хўжаликларда бу муҳим кампанияга катта тайёргарлик кўрилмоқда. Хўжаликлардаги мавжуд маккажўхори ўриш комбайнлари тўлиқ тахт қилиб қўйилди.

Қуйи Чирчиқ районидаги областдаги йирик шоликор райондир. «Коммунизм» совхозида 400 гектар, Димитров номли колхозда, 330 гектар, «Ленинград», Киров номли ва Ленин номли колхозларда ҳам 200—250 гектар ерда шоли етиштирилмоқда. Бу хўжаликлар ҳар гектар ердан 50—55 центнердан шоли ҳосили олишни мўлжаллаб иш олиб бормоқдалар. Район бўйича планда белгиланган 9600 тонна ўрнига 11 минг 500 тонна шоли ҳосили етиштирилади. Шундан 9 минг тоннаси давлатга сотилади. Бунга «Коммунизм» совхози ўзининг 1590, Киров номли колхоз 1028, Ленин номли колхоз 861, «Ленинград» колхози 783 тонналик хирмони билан баракали ҳисса қўшади. Ҳозир райондаги мавжуд 55 шоли ўриш комбайнидан 47 таси тўлиқ тахт қилинган. Бошқа комбайнлар ҳам август ойининг ярмига қадар ремонтдан чиқарилади.

Бекобод ва Бўка районининг хўжаликлари ҳам бу йил мўл маккажўхори ва шоли ҳосили етиштирдилар. Бекобод районида 1345 гектар ерда маккажўхори етиштирилмоқда. Район меҳнаткашлари ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 60 центнердан, маккажўхори донни етиштириш ниятидалар. Кўпгина илғор комсомол-ёшлар бригадалари, ҳар гектар ердан камида 90—100 центнердан маккажўхори етиштиришга сўз берганлар.

Лекин, районда 210 гектар ердаги маккажўхорининг авжи талабга жавоб бермайди. Бу ерлардаги маккажўхори экини парваришини кучайтириш ва мўл ҳосил тўплаш учун парваришни кучайтириш зарур. Шундагина район хўжаликлари ўз эммаларидаги мажбуриятларини ошириб бажаришлари мумкин.

Бекобод районида ҳам катта майдонларда шоли етиштирилмоқда. Район шолиқорлари катта қийинчиликларни енгиб бу қимматбаҳо экиндан мўл ҳосил етиштириш учун фидокорона меҳнат қилдилар. Ҳозир кўпчилик майдонларда шоли ҳосили яхши. Лекин «Октябрь 46 йиллиги» совхозида ўт босган ва ўсишдан қолаётган шоли экинларини ҳам учратиш мумкин. Бу майдонларда тезда бегона ўтларни йўқотиб, қўшимча озиқлантириш ва гербицид сепиш лозим.

Бўка районида бу йил маккажўхоридан мўл ҳосил етиштиришга катта аҳамият берилди. Ҳозир 1200 гектар ердаги маккажўхорининг 1050 гектарида мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштирилди. Лекин, «Кўкорол» совхозида 50 гектар, «Бўка» совхозида 15 гектар «Партия XX съезди» колхози, Мичурин номли ва Карл Маркс номли колхозларда 15—20 гектар ердаги маккажўхорининг авжи бирмунча паст. Бу хўжаликларда ана шу ривожи кечиккан маккажўхоларни қўшимча парвариш қилиш талаб этилади.

Бекобод ва Бўка районининг маккажўхорикорлари усишдан кечикаётган маккажўхоларни қўшимча парвариш қилиб, мўл ҳосил етиштиришлари ва маккажўхори ўрим-йиғимига пухта тайёргарлик кўриб, бу муҳим кампанияни қисқа муддатда ўтказишлари керак.

САБЗАВОТЧИЛАР АҲДИ

КПСС XXIV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошириш учун курашаётган совет кишилари социалистик мусобақа байроғини кенг қулоч ёйдириб, куч-ғайратларини тўққизинчи беш йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажаришга сафарбар қилмоқдалар. Деҳқонларимиз қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил етиштиришда техникадан, ишчи кучларидан самарали ва рационал фойдаланиш, ернинг унумдорлигини ошириш ва муттасил юқори ҳосил олиш учун курашмоқдалар.

Биз ўз иш фаолиятимизда ана шу талабларга тўла риоя қилдик. Барча эътиборни кўпроқ сабзавот етиштиришга қаратдик. Қиш ойларида ҳам қўл қовуштириб ўтирмадик. Кўплаб янги, унумдор кўчатлар етиштирилди, пикировка қилиш сифатли амалга оширилди. Шу билан ер тайёрлаш, ариқ олиш ишларида агротехника қоидаларига эътибор қилинди. Кўклам келиб ер тафтининг кўтарилиши билан кўчат экилди. Ниҳоллар икки усулда парвариш қилинди. Полиэтилен остида ўстирилган экинлар барвақт ҳосилга кирди.

Шундай қилиб май, июнь ойлари давомида шаҳарликларга дастлабки сабзавот маҳсулотларини етказиб бердик. Айниқса, карам, кўк пиёз, бодринг етиштиришда эришган ютуқларимиз қувончли бўлди. Беш йиллик планни уч ярим йилда муваффақиятли бажардик. Лекин биз ишни бўшаштирмадик. Маҳсулот топширишни давом эттирдик. Йил охиригача 2 минг тонна сабзавот сотишга эришдик. Ўтган ва бу йили янги беш йиллик ҳисобига топширган маҳсулотимиз 4100 тоннага тўғри келди.

Миришкор деҳқонларимиз партия ва ҳукуматимиз қарорларини изчиллик билан амалга ошира бориб, КПССнинг XXV съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юбордилар. Зиммамизга ошириган мажбурият қабул қилдик. Йил охирига қадар 5 минг тонна сабзавот, 1100 тонна картошка топширишга сўз бердик.

Яқинда колхозчиларимиз умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда ярим йиллик қилинган дала ишлари атрофлича муҳокама қилинди. Сўзга чиққан механизаторлар, бригада бошлиқлари «Ҳар қандай шароитда ҳам мажбуриятни адо этамиз», дейишди. Шу билан бирга ишда йўл қўйилаётган камчиликлар таҳлил этилди, уларни тезда йўқотиш учун зарур тадбирлар белгиланди.

Ўтган йили ҳосилни кўпайтиришда бир майдонга икки марта экин экилиши катта роль ўйнади. 30 процент майдонга икки марта сабзавот экилганлиги туфайли баракали хирмон кўтарилди. Бу йил ҳам шундай қилямиз. Эртаги экинлардан бўшаган ерларга кечки экинлар экиб, улар ҳисобига ҳосилни кўпайтирамиз.

Ерга дам бермай экин экилаверса, ундаги ўсимлик учун керакли бўлган органик моддалар кескин камаяди. Буни ҳисобга олиб, ҳар бир гектар ерга нормадагига нисбатан анча кўп минерал ўғит солямиз. Минерал ва маҳаллий ўғит бир гектарга 30 тоннаданга тўғри келади. Бу эса кўчатлардан мўлжалдаги ҳосилни олишда муҳим роль ўйнамоқда.

Шу кунларда дала ва боғларда иш яна ҳам қизғин. Етилган маҳсулот пешма-пеш йиғиштирилиб, савдо дўконларига, консерва заводларига жўнатилиб турипти. Шаҳар меҳнаткашларига 35—40 тоннадан сабзавот юборилянти. Бу белгиланган графикдагига нисбатан анча кўпдир. Сабзавотнинг нечнобуд бўлишига, чириб эзилишига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўряпмиз. Тракторчи ва шоферларимиз тайёр маҳсулотни жойларга етказишда намуна бўлмоқдалар.

Беш йиллик давомида хўжаликда янги-янги илғорлар етишиб чиқди. Қолоқ бригадалар деярли қолмади. Нуқул фойда берадиган пешқадам бригадалар кўпайди. Мастон Шералиева, Жўра Норматов, Нурмат Султонов. Аҳмаджон Ғуломов ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадалар беш йиллик план бажарилганига анча бўлди. Эндиликда янги беш йиллик ҳисобига маҳсулот топширишмоқда.

Колхоз правленеси, партия ташкилоти дала меҳнаткашларининг баракали ишлашлари учун яхши шарт-шароит яратиб бермоқда. Меҳнатга ўз вақтида ҳақ тўланяпти. Дала шийпонлари безатилган. Болалар боғчалари ишлаб турибди.

КПСС XXV съезди вахтасида туриб меҳнат қилаётган сабзавотчиларимиз эртаги, ўртаги экинлардан юқори ҳосил олиш билан бир қаторда кечки экинлар парваришини ҳам ўз муддатида юқори агротехника талабларига мувофиқ олиб бормоқдалар. Бу эса зиммага олган социалистик мажбуриятимизни сўзсиз бажариш имконини беради.

Ғиёс УМАРОВ,
Калинин районидаги Ленин номли колхоз раиси.

ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИ ТАЪСИРЧАН БЎЛСИН

Район ва шаҳар партия комитетларининг 2 мингга яқин штатсиз лекторлари, минглаб сиёсий ахборотчилари ва «Билим» жамияти аъзолари дала шийпонларида, фермаларда, цехларда катта оммавий-сиёсий ишларни олиб бормоқдалар.

Кейинги пайтда Юқори Чирчиқ, Оққўрғон, Бўстонлиқ районлари, Янгийўл, Олмалиқ, Чирчиқ шаҳарлари партия комитетлари ҳамда «Билим» жамиятлари томонидан лекция пропагандасининг таъсирчанлигини ошириш йўлида кўплигина тадбирлар кўрилди. Партия комитетлари бюро йиғилишларида жойларда ўқилаётган лекциялар самарадорлиги ва савиясини ошириш алоҳида эътибор берилди.

Лекторлар активлиги билан ўтган ойларда областимиз меҳнаткашлари орасида 28 мингдан ортиқ лекция ва суҳбатлар ўтказилди. Лекторлар, сиёсий докладчилар, сиёсий ахборотчилар ўз суҳбатларида илғор тажрибаларни кенг пропаганда қилдилар, омма эътиборини беш йилликнинг сўнгги йилида бажарилиши лозим бўлган вазифаларга қаратдилар.

Эндиликда лекторлар куни ўтказиш, суҳбат давраси қуриш каби оммавий иш формалари қўлланилмоқда. Лекторлар кунида областимиз зиёлилари меҳнаткашларни қизиқтирган темаларда суҳбатлар ўтказадилар.

Яқинда Тошкент область партия комитети КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш юзасидан белгиланган идеологик тадбирлар планини маъқуллади. Бу планда лекция пропагандасини янада кучайтириш кўзда тутилган. Колхоз, совхозларда, корхона ва муассасаларда ҳадемай 400 га яқин доимий лекторий иш бошлайди. Лекторийларда съездан съездгача ўтган даврда мобайнида эришилган муваффақиятлар тўғрисида тематик лекциялар уюштирилади.

КПСС XXV съезди олдидан лекция пропагандасини кучайтиришда лекторлар олдида турган вазифалар яқинда алоҳида муҳокамадан ўтказилди. Лекторлар семинар-кенгашида сўзга чиққан область партия комитети лекторлар группасининг бошлиғи, тарих фанлари кандидати М. Юсуфхўжаев, область «Билим» жамияти раиси Т. Салоҳиддинов, кенгаш қатнашчилари М. Комаров, С. Боймуродов, Х. Сулаймонов ва бошқалар лекция пропагандасининг тематик йўналишини такомиллаштириш, штатсиз лекторлар группасига раҳбарликни яхшилаш, турар-жойларда олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар савиясини ошириш юзасидан қимматли фикрларни ўртага ташладилар.

Э. САИДАКБАРОВ.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Оққўрғон районидаги Навоий номли колхознинг Пошали Маҳмудов етакчилик қилаётган бригада аъзолари жонажон партиямизнинг XXV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Барча майдонларда ниҳоллар бир текис машинабоп бўлиб баравж ўсмоқда. Айни кунларда ҳосил тўплаётган ғўзаларни кўриб, кўзларингиз қувонади. Ҳар бир туп ғўзада 6—7 тадан кўсак санаш мумкин.

Бригада майдонларидаги ғўзалар учинчи сувдан чиқарилмоқда. Ғўзаларни оби-ҳаётга қондираётган миришкор сувчилар С. Аҳмедов, П. Усмонов, С. Маҳмудов, Х. Бурхоновлар ҳар куни 1,5—2 гектар майдондаги ғўзаларга сув тараб жонбозлик кўрсатмоқдалар. Механизатор Бекзод Пошалиев ҳар куни 6-7 гектар ерга сифатли ишлов бермоқда.

Азамат пахтакорлар мавжуд 57 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» етиштириш борасида тинмай меҳнат қилмоқдалар.

* * *

Қуйи Чирчиқ районидаги Киров номли колхоз деҳқонлари пахта, каноп билан бир қаторда 250 гектар майдонда шоли етиштирмоқдалар.

Бригада азаматлари шу кунларда шолини юксак агротехника қондалари асосида парвариш қилишаяпти. Шу туфайли шолилар орасида бегона ўтлар кўринмайди.

Улар бу йил съезд олди социалистик мусобақасига қўшилиб ,ҳар гектар майдондан олинадиган шоли ҳосилдорлигини 60 центнерга етказишга азму-қарор қилганлар.

Н. ҚОСИМОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧ АРАФАСИДА

ХЕЛЬСИНКИ, 28 июль. (ТАСС махсус мухбирлари). Финляндия пойтахтида 35 давлат раҳбарларининг энг юксак даражада ўтказиладиган учрашувига сўнгги тайёргарлик ишлари тугалланмоқда.

СССР делегациясига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилик қилиши тўғрисидаги хабар бу ерда зўр мамнуният билан кутиб олинди.

Умумевропа кенгашининг муваффақиятли тугалланиши бир авлод умри давомида, иккинчи марта бутун дунёни қамраб олган қонли жаҳаннам маконига айланган қитъа тарихида янги боб очиши лозим. Снёсат, экономика, фан ва маданият соҳасида узоқ муддатли ҳамкорликка биргаликда мустаҳкам негиз яратиш учун Европадаги ҳамма мамлакатларнинг олий мартабали раҳбарлари биринчи марта музокара столи атрофида учрашадилар.

Кейинги вақтларда халқаро кескинликни юмшатиш ва тинч-тотув яшаш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик принциплари асосида давлатлараро муносабатларни қайта қуриш тенденцияси юзага келганлиги натижасида бу кенгашни чақириш имконияти туғилди.

Якунловчи ҳужжатни тайёрлаш учун кенгашнинг ҳамма қатнашчилари бир талай вақт ва куч-ғайрат сарфладилар. Делегациялар ўртага қўйган кўпдан-кўп турли таклифлар батафсил кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди. Ҳар бир қоидани маъқуллаш учун ҳамма делегацияларнинг якдил розилиги талаб қилинди. Проблемалар мураккаблигини ва айрим мамлакатлар позицияларидаги тафовутларни ҳисобга олганда, бундай якдилликка эришиш баъзан қийин бўлди. Муҳокама этилган ҳамма масалалар юзасидан истисносиз бир фикрга эришилганлиги ва якунловчи ҳужжат ишлаб чиқилганлиги халқаро ишонч мустаҳкамланганлигининг натижаси, ҳамма томонлар коллектив бўлиб сарфлаган куч-ғайратлар самарали бўлиб чиққанлигининг далили, улар Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорликнинг туб проблемаларини ҳал этишга реалистик ёндашаётганлигининг ифодаси бўлди.

Якунловчи ҳужжатнинг узилкесил текстини тайёрлашга Совет Иттифоқи ва қардош социалистик мамлакатлар кўп меҳнат сарфладилар. Улар бу хусусдаги ўз таклифларини Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик тўғрисида Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар снёсий маслаҳат комитетининг 1972 йил 26 январда Прагада бўлиб ўтган кенгашида қабул этилган декларацияда баён этиб бердилар.

Европада тинчликни мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ғояларини кўпчилик давлатлар тушуниб кутиб олди ва жаҳон жамоатчилиги актив қўллаб-қувватлади.

А. БАРАНОВ,
А. КРАСИКОВ.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

УЛАН-БАТОР. Халқаро хотин-қизлар йилини ўтказувчи Монголия миллий комитети ижодий конкурс эълон қилди. Конкурснинг мавзуси — монгол хотин-қизларининг қаҳрамонона революцион кураши, меҳнат зафарлари, социалистик жамият қурилишига, тинчлик, дўстлик ва ёш авлоднинг бахтли келажаги учун курашга уларнинг қўшаётган ҳиссаси масалаларидир.

Конкурс сураткашлик, ҳайкалтарошлик, монументал санъат, графика, халқ ҳунармандлиги, қўшиқ, очерк ва фотография юзасидан ўтказилади. Ижодий мусобақа голиблари совринлар билан мукофотланади.

УММОН. Иорданияни ривожлантириш янги беш йиллик планида (1976—1980 йиллар) мамлакатда туризмни анча ривожлантириш кўзда тутилади. Туризмни ривожлантириш учун ажратиладиган маблағ 1980 йилга бориб 40 миллион динорга етади, туристлар сони эса ўтган йилги 150 минг кишидан бир миллиондан кўпроқ кишига ошиши лозим.

САН-ХОСЕ. Тегусигальпадан олинган хабарларга кўра, Гондурас ҳукумати йирик ер эгалари ва қуролли кучлар офицерларидан бир группасига қарши расмий айбнома эълон қилди. Улар бир неча деҳқонни вахшиёна ўлдиришда айбланмоқдалар. Бу деҳқонлар мамлакатда ер ислоҳоти ўтказишни талаб қилиб уюштирилган чиқишларда актив қатнашган эдилар. Ҳукуматнинг хабар беришича, қотиллар судга берилади.

ДАККА. Яқин вақт ичида Бангладешнинг қишлоқ жойларида ўн уч мингта телефон аппарати ўрнатилади. 25 та автомат телефон станцияси қуриш кўзда тутилмоқда. Шу мақсадлар учун республика ҳукумати 90 миллион така ажратди.

Ҳозирги вақтда Бангладешда салкам 60 минг телефон номери ишлаб турибди. Беш йиллик планга (1973—1978 йиллар) мувофиқ телефон номерлари сонини 140 мингтага етказиш мўлжалланган.

ТОКИО. Мамлакат шаҳар ва районларидан яна 9 таси «гоят инфосланган» зона деб эълон қилинди. Япония ҳукуматининг маълумотига кўра, бундай районлар 46 тага етган. Бу районларда 55 миллион киши ёки мамлакат аҳолисининг ярмига тенг аҳоли яшамоқда.

(ТАСС, 28 июль).

ЖАНУБИЙ ОСИЁДА СУВ ТОШҚИНИ

ДЕҲЛИ, 28 июль. (ТАСС). Давом этаётган жала натижасида Ҳиндистон, Покистон ва Бангладеш Халқ Республикасининг кўпгина районларида кучли сув тошқини рўй берди. Жанубий Осиё кичик қитъасидаги энг катта дарёлар тошганлиги сабабли юз минглаб деҳқонларнинг оилалари зарар кўрди, одамлар орасида қурбонлар бор. Ана шу уч давлатнинг экономикасига катта зарар етказилди, кўпгина районларда аҳоли пунктлари вайрон бўлди, экинлар яксон қилиб юборилди, автомобиль ва темир йўл ҳаракати узилиб қолди.

Марказий ҳукумат зарар кўрганларга ёрдамга келди: ёрдам комитетлари тузилди, озиқ-овқат маҳсулотлари ажратилди. Оғир аҳволга тушиб қолган аҳолини қутқариш учун армия қисмилари ва авиациядан фойдаланилмоқда.

ИСЛОМОБОД, 28 июль. (ТАСС). Сув тошқини оқибатларига қарши курашувчи комиссия маълумотларига кўра, Покистоннинг текислик районларида жойлашган 2400 кишлоқнинг 1,4 миллиондан ортиқ аҳолиси гоят оғир аҳволда қолди.

Сув тошқинидан зарар кўрган округларни кезиб чиқаётган Покистон бош министри З. А. Бхутто ҳукумат ишлаб чиққан узоқ муддатли шошилинч планни маълум қилди. Бу планда сувни тўсадиган янги дамбалар ва тўғонлар, сувни четга оқизиб юборадиган каналлар қуриш, сув босиш хавфи тўғрисида аҳолини олдиндан хабардор қилиб туриш системасининг жорий этилиши кўзда тутилади.

ДАККА, 28 июль. (ТАСС). Сўнгги расмий маълумотларга кўра, ўтган суткалар мобайнида Бангладешнинг шимолий-шарқидаги Силхат округида вазият кескинлашди. Бу ерда Сурма дарёсида ва мамлакатнинг жануби-шарқида сув сатҳи анча кўтарилди. Ўтган сутка ичидагина Читтагонг районида бир мингдан ортиқ уй сув остида қолиб кетди, пойтахтга олиб борадиган кўпгина йўлларни сув ювиб кетди. Ҳукумат зарар кўрганларга ёрдам бўлган ҳамма ёрдамни кўрсатмоқда.

ЭКСПЕРИМЕНТ

◆ БРЮССЕЛЬ. Бельгияда велосипедни кўп кишилар минади. Бельгияликлар «бир одам кучи» қуввати шу транспорт туридан ишга боришда, шаҳар атрофига сайр қилишда фойдаланиб келишади. Велосипед қулай нарса, чунки унинг эгаси уни қўйдиган жой тўғрисида, бензин тежаш ва шаҳарлардаги тиқилинчлар тўғрисида ортиқча ташвиш чекмайди. Лекин велосипедни суйдиган кишиларнинг ҳам ўзига яраша ташвиши бор. «Автомобиль асри»да автотранспорт қатнов интенсивлиги велосипедчиларнинг шаҳар магистралари ва шаҳар атрофи районларидан бемалол юришларига имконият бермайди. Бельгия темир йўллари маъмурияти мушкулотни енгил қиладиган йўлни таклиф этди. Бундан бўён велосипедда юришни суйдиган кишилар ўнта вилоят шаҳарларидан бирига поездда бориб вокзалнинг ўзидаёқ велосипедни ижарага олишлари мумкин. Бельгияда чиқадиган газеталарнинг ёзишича, бу экспериментнинг тақдири унинг рентабеллигига боғлиқ.

КУТИЛМАГАН ОҚИБАТЛАР

◆ ТОКИО. Шаҳарнинг Синдзюку районидаги янги маъмурий марказида бўйи 200 метрдан ошадиган тўртта бино қуриб битказилди. Бешинчи булутўпар бино битказилянти, келажакда яна бир неча баланд иморат қуриш мўлжалланади. Архитекторлар ва инженерлар, ҳамма нарсани назарда тутдик — биноларни зилзилага бардош бераднган қилдик, транспорт коммуникацияларини келиштирдик, деб хотиржам эдилар. Энди бўлса баланд иморатлар районига ёндош жойлардаги аҳоли кучли гирдоб шамоллардан шикоят қилмоқда. Бу шамоллар томларнинг черепицасини, магазин ва дўкон вивескаларини учириб кетмоқда. Шамол учирган зонтик, шапка, ёйиб қўйилган кирларнинг эса ҳисоби йўқ. Маълум бўлишича, баланд иморатлар 150—200 метр баландлиндаги ҳаво оқимларига тўсқинлик қилиши натижасида гирдоб вужудга келар экан.



АҚШ. Нью-Йоркдаги муниципалитет биноси олдида кейинги кезларда тез-тез намойишлар уюштирилмоқда. Бунда шаҳарлик меҳнаткашлар оммавий суръатда ишдан бўшатилишига қарши кескин норозилик билдирмоқдалар. Суратда: шаҳар ўқитувчиларининг намойиш пайти.

А. Воронин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

АДАБИЁТ ВА САНЪАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Шу кунларда Навоий номли опера ва балет катта театрининг бир группа артистлари қишлоқ хўжалик меҳнаткашларига ўзларининг ажойиб санъатларини намойиш қилмоқдалар.

СССР халқ артисти Халима Носирова, Ўзбекистон халқ артистлари Жамол Низомхўжаев, Халима Комилова, Клара Юсупова ва бошқа санъат усталарининг чиқишларини дала меҳнаткашлари самимий олқишлар билан кутиб олмоқдалар. Санъаткорлар репертуарларида ўзбек композиторларининг операларидан саҳна ва ариялар, балетлардан кўринишлар, халқ куй ва қўшиқлари бор.

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА КИТОБ

Таниқли журналист, «Огонёк» журналининг мухбири Вячеслав Костиряннинг янги китоби «Бирлашган ўзар» деб аталади. Авторнинг янги тўплами буюк Советлар мамлакати халқларининг бузилмас дўстлигини тараннум этади.

В. Костиря Ўзбекистон бўйлаб кўп сафарда бўлган. Шу сафарлар давомида турли ёш ва турли касбдаги, бир-бирига ўхшамайдиган кишилар билан учрашган. Тўпламга кирган очерклар Сирдарё ГРЭСи қурувчилари, Чирчиқ меҳнаткашлари-ю, Фарғона қимёгарлари ҳақида ҳикоя қилади.

ХАЛҚ ТЕАТРИДА

Охунбобоев номли маданият уйининг халқ театри яқинда «Райком секретари» номли янги спектаклни саҳналаштирди. Ёш драматург Максим Каримовнинг пьесаси асосида қўйилган мазкур спектакль марказида педагогика институтини битирган Мамлакат исмли қиз туради. Иродали қиз қишлоққа келиб, ҳаётий қарама-қаршиликларда чиниқади, ўз ишининг устаси бўлиб етишади. Пировардида у райком секретари лавозимига кўтарилади...

Театр коллективи ҳозир бадиий ҳаваскорлик коллективларининг Бутуниттифоқ фестивалига тайёргарлик кўрмоқда. Фестивалда халқ театри Комил Яшинининг «Ўлим босқинчиларга!», «Райком секретари» асарларини намойиш қилади. Шунингдек, ҳаваскор артистлар Зиннат Фатхуллиннинг «Кумуш тўй» пьесасини саҳналаштирадилар.

А. ВАЛИЕВ.



ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Ким Пен Хва номли колхоз тобора гўзаллашиб, чирой очиб бормоқда. Бу ерда янги замонавий уй-жойлар, маъмурий бинолар қурилиши авжида. Яқинда колхозда 140 ўринли янги болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Болалар боғчасида кичкинтойлар қувнаб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Суратда: икки қаватли болалар боғчасининг умумий кўриниши.

А. Абалян фотоси.

ТОШКЕНТ кутубхоналар коллектори областимиздаги кутубхоналарга, маданият уйларига, маданий-маиший муассасаларга бадиий, сиёсий ва болалар адабиётини жўнатиб туради. Бу йил коллекторда 1 миллион сўмликдан кўп китоб комплектланиб, тегишли жойларга юборилади. Суратда: коллектор бўлимларидан бирида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАБ

Область «Билим» жамияти яқинда Ангрен шаҳар партия комитети билан ҳамкорликда Халқаро хотин-қизлар йилига бағишлаб конференция ўтказди.

Конференцияда Ўзбекистон ССР юстиция министри М. Восиқова «Совет қонунчилиги—аёллар ҳуқуқининг посбони» деган темада доклад қилди.

Конференцияга тошкентлик бир группа олимлар ҳам меҳмон бўлиб келишган эди. Н. Муҳиддинова, З. Анорбоева, Р. Сиддиқхўжаева каби ҳуқуқшунос олималар аёллар ҳуқуқи ва оиладаги мажбуриятлари, оналар имтиёзи, болалар тарбиясида ота-оналар роли тўғрисида қизиқарли лекциялар ўқидилар. Конференция охирида улар тингловчилардан тушган саволларга қониқарли жавоблар бердилар.

ЭКСПОНАТЛАРДА—ЮТУҚЛАР АКСИ

Республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг пахтачилик павильонида «Ўзбекистон Фанлар академияси олимларининг республикада пахтачиликни ривожлантиришга қўшган ҳиссалари» деган мавзуда тематик кўргазма очилди.

Ўзбек деҳқонлари етиштираётган «оқ олтин»нинг довруғи бутун оламга ёйилган. Бу йил олтин қўлли пахтакорлар Ватанга 5 миллион 200 минг тонна «оқ олтин» ҳадя этадилар. Пахтадан тоғ-тоғ хирмон ўйишда, ҳосилдорликни оширишда олимлар деҳқонларга мададкор бўлмоқдалар. Улар пахтанинг янги-янги навларини яратмоқдалар, етиштирилган ҳосилни йиғиб-териб олишни бутунлай механизация зиммасига юклаш устида тинмай изланмоқдалар. «Ўзбекистон» пахта териш машинаси. «Тошкент» навли вилтга чидамли пахта навлари ҳозир фақат Ўзбекистондагина эмас, балки Иттифоқимиз оша чет элларда ҳам довруг қозонмоқда.

Экспериментал биология институти олимлари пахтачиликни ривожлантиришга айниқса кўп ҳисса қўшишаяпти. Пахтани касалликка чидамлилигини ошириш бўйича улар ишлаб чиққан янги методлар «оқ олтин» ижодкорларига қўл келмоқда. Олимлар яратган вилтга чидамли «Тошкент» навли пахта сортлари ҳозир ҳамма жойда шуҳрат қозонган.

Ядро-физикаси институти олимлари ҳам ижодий изланишда. Институтда пахта физиологиясини ўрганиш бўйича комплекс ишлари олиб борилмоқда. Ярим автомат қурилма бир кунда тупроқни 300 метргача анализ қилиб беради. Электроника илмий-текшириш институтида эса пахта сортларини ва намлик даражасини аниқ ўлчаб берувчи қурилмалар яратилди.

Ўзбек олимларининг пахтакорларга бераётган ёрдамларига бағишланган кўргазмани ташкил қилишда виставка ходимларидан Ш. Ҳудойқулов, З. Қалонова, И. Нудельман ва бошқалар актив иштирок этдилар.

М. ЗАРИПОВ.

ТАБИАТ ДИЛРАБО, АММО...

Бўстонлиқнинг ҳордиқ чиқариш зоналари Қрим ва Кавказдан қолишмаиди, дейишади. Шу кунларда бу районнинг сўлим оромгоҳларида бўлган киши бу гап ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Авваламбор, бу ерда минг бир дардга даво бўла оладиган мусаффо ҳаво бор. Тинимсиз шабада бутун Хумсон қишлоғи бўйлаб оқиб ўтадиган Угам дарёсининг муздек, нафасини тоғ ёнбағирларидаги яшил ўрмонлар исига омухта қилиб, димоққа уфуради. Рўпарадаги олис тоғларда оппоқ қор кўзга ташланади. Ажойиб манзара: сиз тагида дам олиб ўлтирган ёввойи олчанинг меваси маржондек қизариб пишиб ётибди, кўз олдингиздаги тоғда эса қаҳратон қишнинг вакили — оппоқ қор.

Энергетиклар шаҳри бўлмиш Чорвоқда ёз кунлари дам олиш зонаси кўп тилга олинади. Бу зона уч йил аввал қурила бошланган эди. Ўша томонга йўл олдик. Машина тепаликка чиқиши билан пастда кўм-кўк денгиз намоён бўлди. Қирғоққа тушиб, бирпас кутган эдик, нарига томондан келаётган катер кўзга ташланди. Ниҳоят, ёнбошидаги ёзув аниқ кўринди: «Пионериянинг 50 йиллиги». Катер Чорвоқ сув омборининг шаҳар томондаги қирғоғи билан дам олиш зонаси орасида мунтазам қатнаб туради. Бирдан-бир қулай транспорт шу. 20 минутда манзилга элтиб қўяди. Машина йўли эса олис — тоғма-тоғ ошиб ўтиш керак...

Ҳордиқ зонасига етиб келдик. Денгиз сокинлиги ортда қолиб, бирдан ғала-говурга, қувноқ кайфиятли чўмилувчилар орасига кириб қолдик. Кимлардир денгизнинг танга хуш ёқувчи феруза сувида сузиб юрибди, кимлардир соҳилга ул-бул тўшаб ётиб, китоб ўқияпти, айни пайтда қуёшнинг нурида баданини тобламоқда. Яна бошқалар дарахтлар соясига ўзини урган, давра қуриб шахматшашка, домино ўйнашяпти. Ҳуқ нарироқда эса кўплаб чодирлар, уйчалар кўзга ташланади.

— Дам олиш зонаси икки юз кишига мўлжалланган, — дейди хўжалик мудири Ю. Майорова.— Шулардан 115 ўрин Тошкент ҳамда Чирчиқ шаҳарларидан йўлланма билан келаётган ишчи ва хизматчилар учун хизмат қилади. 15 та ёғоч уйча, 25 та чодир улар ихтиёрида.

Шуни айтиш керакки, денгиз соҳилидаги бу дам олиш зонасида оилавий ҳордиқ чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Махсус йўлланма билан икки ҳафтага келаётганларнинг деярли ҳаммаси оилалари билан дам олишяпти. Республика қурилиш банки идорасининг бўлим бошлиғи Тўлқин Шамсиев, Тошкент газ трестининг ишчиси Эдуард Шехин, ЎзССР Фанлар Академияси ядро физикаси институтининг ходими Марат Алиев ва бошқалар турмуш ўртоқлари ҳамда бола-чақалари билан соф ҳаво, шифобахш қуёш нури, асабларга ҳордиқ берадиган сокин, мовий денгиз гўзаллигидан баҳраманд бўлишмоқда. Ёғоч уйчалар ҳар бир оила ихтиёрига бериб қўйилган.

Табиат қучоғи — болаларнинг севимли маскани. Дам олиш зонасида маҳаллий «Дельфин» пионер лагерининг қирқ кишидан иборат бир группаси мириқиб ёз гаштини сурянти. Улар — Чорвоқ нурчиларининг ўғил-қизлари.

Бу ҳордиқ зонасида, юқорида санаб ўтганимиздек, дам олувчилар учун энг асосий, зарур нарса — кўркам ва гўзал табиат, муса-ффо яшиллик, улкан денгиз мавжуд. Соҳилда бир зум хаёлга берилган ҳар бир киши эса бу даргоҳни ҳозиргидан бирнеча баравар яхшироқ қилиш мумкинлигини кўз олдига келтиради. Афсуски, ҳозирча бундай эмас. Дам олувчилар учун айрим оддий қулайликларни яратишга ҳам эътибор берилмаган.

Дам олиш кунларида чўмилиш иштиёқида келганлар айниқса кўпайиб кетади. Лекин, улар пляж у ёқда турсин, чўмиладиганлар учун қирғоқда биронта дурустроқ жой ҳам ташкил этилмаганини кўриб кайфиятлари бузиладди. Қирғоқнинг сув билан туташ жойлари лой, балчиқ. Катта дарахтлар соҳилдан олисроқда. майдалари эса етишмайди, сояси ҳам йўқ ҳисоби. Қайиқлар йўқ, айрим одамлар ўзлари олиб борган қайиқларда сайр қилишяпти. Қайиқдан фойдаланиш пункти ташкил этишнинг иложи бўлмаган тақдирда ҳам, шаҳар кўлларидаги каби моторли қайиқлардан бирникитасини ишга тушириб, сайр этиш учун ҳақ тўланадиган қилиб қўйилса, ёмон бўлмаса керак.

Хўжалик мудири Ю. Майоровадан пляж ҳақида сўраганимизда, сувнинг баҳор кезларида кўтарилишини, кейинроқ омбордаги сув сигими кўпайишини айтди. Албатта, бу бир баҳона, холос, чунки, дам олиш зонаси ун тошқинидан кейин ишга тушади. Бир мавсум учун соҳилда бир нечта майдонга қум сепиб, текислаб, у ер бу ерга енгил соябонлар қилиб қўйиш катта муаммо эмас-ку?! Сув кўтарилганда, ёки мавсум тугагач, соябонлар яна кўчириб олинаверади. Булардан ташқари, Чорвоқ маркази билан катер қатнайдиган жойгача дам олиш кунлари ҳам автобус юрмайди.

Чорвоқ дам олиш зонасининг мудири Ғани Эргашев ва мутасаддилар ташкилотлар бу табиат масканини янада обод ва кўркам қилиш, дам олувчилар учун қулайликлар яратиш тўғрисида ўйлаб кўрсалар, ёмон бўлмасди...

Э. ЮСУПОВ,
Ўзбекистон телевиденнеси-нинг редактори.
А. ТУЛАГАНОВ,
«Ўзбекистон физкультурачиси» газетаси ходими.
Ҳ. ОЛИМЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

БИЗНИНГ АХБОРОТ

ЕТУКЛИК КУРИГИ

Область комсомол ташкилотлари ҳаётида қизғин дамлар давом этмоқда. Йигит ва қизлар янги комсомол билетини қабул қилиб олмоқдалар.

Ҳозир 875 комсомол ташкилотида комсомол билетлари алмаштирилмоқда. Комсомол ҳужжатлари йигит ва қизларга тантанали вазиятда тақдим этилмоқда. Янги билетни олаётган комсомоллар ишлаб чиқаришда ва ўқишда илғор бўлишга, коммунистларга муносиб ўринбосарлар бўлиб етишишга ваъда бермоқдалар. Ҳозирча область бўйича 51,5 мингга яқин йигит-қиз янги комсомол билетларини олди.

ИШЧИЛАР ДАМ ОЛМОҚДА

«Таштекстильмаш» заводининг кўплаб ишчи-хизматчилари ҳам меҳнат отпускаси даврида Совет Иттифоқининг турли бурчакларида дам олиб қайтдилар. Ярим йил мобайнида юздан зиёд ишчи ва хизматчи Иттифоқимизнинг марказий шаҳарларини бориб кўрди.

Заводнинг илғор ишчилари дўст социалистик мамлакатларга ҳам сафар қилишмоқда. Яқинда бир группа ишчилар Болгария, Германия Демократик Республикасини бориб кўришди. Яна бир группа ишчи за хизматчилар эса Италияда дам олди. Яқин кунлар ичида корхонанинг илғор ишчилари Германия Демократик Республикасига саёҳатга отланадилар.

ЁШ ТАЛАНТЛАР

Бадиий ҳаваскорлик тўгаракларининг Бутуниттифоқ мусобақалари биринчи тури қизғин давом этмоқда. Мусобақадошлар сафига янги-янги бадиий ҳаваскорлик коллективлари келиб қўшилмоқдалар.

Бўстонлиқ районидаги Жданов номли, Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон», «Политотдел» колхозлари ва бошқа хўжаликларнинг ашула ва рақс ансамблари ҳаваскор колхозчи ва ишчи-ёшлар ҳисобига кенгайди. Колхоз ансамблари репертуарига социалистик мамлакатлар рақс ва қўшиқлари киритилди.

Бутуниттифоқ фестивалининг биринчи тури Янгиобод шаҳрида барча жанрлар бўйича тўла ўтказилди. Ангрен керамика заводи, маданият уйи ва педагогика техникумида, Оҳангарон совхозлари ва Бекобод колхозларида ҳам Бутуниттифоқ фестивалининг биринчи тури якунланди.

Бу турда энг яхши натижаларга эришган 20 дан ортиқ коллектив ҳамда якка ижрочилар фестивалнинг кейинги турида қатнашиш ҳуқуқини олдилар.

КАСБ КОНКУРСИ

«Отделстрой» трести базасида «Энг яхши бўёқчи» номини олиш учун касб конкурси ўтказилди. Унда районларда ўтказилган мусобақа ғолибларидан 15 киши иштирок этди.

Мусобақада энг яхши натижага эришган 43-қурилиш бошқармаси бўёқчиси М. Холматова биринчи ўринни олди. 1-ўй-созлик комбинати бўёқчиси Н. Косинцева 41-қурилиш бошқармаси бўёқчиси Ж. Раҳмонова каби тез ва соз ишловчи бўёқчилар ҳам совринли ўринларга сазовор бўлдилар. Ғолибларга фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари тақдим этилди.

ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Тошкентда янги турар-жой массивлари тобора кўпайиб ва кенгайиб бормоқда. Бу массивларда аҳоли учун турли қулайликлар яратиб берилмоқда. Чунончи, 4-турар-жой массивида куни кеча янги автомат телефон станцияси ишга туширилди.

Кўплаб ишчи ва хизматчилар истиқомат қилувчи бу массивда янги АТСнинг 3 минг номери меҳнаткашларга хизмат кўрсатмоқда. Кузга бориб яна уч минг номер ишга туширилади. Қўйлиқ массивида эса 6 минг номерли телефон станциясининг қурилиши тугай, деб қолди. Шунингдек, Юнусободда ва тракторсозларнинг турар-жой массивларида яшайдиган аҳоли ҳам тез орада телефон хизматидан баҳраманд бўлади.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ

1 АВГУСТДА
ЭЛЛИК САККИЗИНЧИ МАВСУМИНИ

„БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ“

СПЕКТАКЛИ БИЛАН ОЧАДИ

СПЕКТАКЛЬ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА БОШЛАНАДИ.

Касса соат 10 дан очиқ.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

Спорт

СССР ВАТЕРПОЛЧИЛАРИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Кали шаҳрида ватерполчиларнинг жаҳон чемпионати ниҳоясига етди. Сўнгги матчда СССР ва Венгрия терма командалари учрашдилар. Жаҳон ва Европа чемпиони унвонларига сазовор бўлган венгер ватерполчиларини дуранг натижа ҳам қониқтирар эди. Аммо жаҳон чемпиони бўлиш учун СССР командасига фақат ғалаба зарур эди.

Учрашув ниҳоятда кескин ўтди. Совет спортчилари шу матч арафасида Италия терма командаси билан учрашиб, бироз чарчашган эди. Шунга қарамай Венгрия командаси билан бўлган баҳсни зўр қўтаринки руҳ билан ўтказдилар. Ҳар бир спортчи фақат ғалабани ўйлаб ҳаракат қилди.

Сўнгги дақиқаларгача командалар тенг курашишди. Ниҳоят учрашув тугашига икки минутча қолганида ҳужумчимиз А. Родионов рақиб дарвозасига ҳал қилувчи тўпни киритди. СССР спортчилари 5:4 ҳисобида ғолиб чиқиб жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлдилар. Венгриялик спортчиларга эса кумуш медаль насиб бўлди.

СПАРТАКИАДА КУНДАЛИГИ

СССР халқлари VI ёзги спартакиадаси программасида Рига шаҳрида ўтказилган шахматчилар мусобақаси якунланди. Иккинчи финал группасида қатнашган Ўзбекистон вакиллари учрашувларнинг ҳаммасини муваффақиятли ўтказдилар. Улар Белоруссия, Литва, Озарбайжон, Эстония ва Молдавия командаларини мағлубиятга учратиб, группа ғолиби бўлдилар. Молдавия командаси билан бўлган энг сўнгги баҳсда шахматчиларимиз 6:3 ҳисобида устун келишди ва тўпланган очколар сонини 28,5 тага етказдилар ҳамда умумий якунда еттинчи ўринни эгалладилар.

РСФСР командаси спартакиада чемпиони унвонига сазовор бўлди. Украина командаси эса Ленинград шахматчиларини мағлубиятга учратиб, иккинчи ўринни эгаллади.

Ҳозир Москвада енгил атлетикачилар мусобақаси қизғин давом этмоқда. Унда Ўзбекистон вакиллари ҳам муваффақиятли қатнашмоқдалар. Биринчи кун 3 минг метрлик масофага старт берилди. Ўзбекистон вакили Светлана Улмасова бу масофа маррасига иккинчи бўлиб етиб келди. Светлана бундан олдинроқ «Правда» газетаси совринни учун ўтказилган кроссда ғолиб чиққан эди. Спартакиада мусобақаларига ҳам жиддий тайёргарлик кўрди ва ниҳоят Киев области вакили Р. Катюкова билан изма-из 3 минг метрли масофани биринчилар қатор босиб ўтди.

ОЛИМПИАДАЧИЛАР ИСЛАНДИЯДА

Бугун Исландия пойтахти Рейкьявикнинг марказий стадиони неча ўн мингдаб футбол ишқибозларини ўз бағрига олади. Бу ерда СССР ва Исландия олимпия терма командалари ўзаро учрашадилар. Бугунги саралаш матчида ҳар иккала команда учрашуви кескин спорт кураши билан ўтиши турган гап. Улар келаси йил Монреаль шаҳрида бўладиган олимпиадага йўлланма олиш учун курашадилар.

СССР олимпия терма командаси составига дарвозабонлар Прохоров ва Астаповский, ҳимоячилар Трошкин, Уткин, Осянин, Звягинцев, Никулин, Букневский, ярим ҳимоячилар Ловчев, Буряк, Минаев, Максименков, Гладилин, ҳужумчилар Чесноков, М. Мачандзе, Киперани ва пахтакорчи Василис Хадзипанагис кирган.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 18.00 —ТОШКЕНТ. 18.05 —Тележурнал. 18.35 — Қўғирчоқ фильм. 18.50 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Чўл эди...». 19.15— **«Ахборот».** 19.30 — Концерт. 20.00 — «Иқбол» программаси. 20.30 — **«Ахборот».** 20.50 — **Ёз ёмғири** (бадиий фильм). 22.00 — Хельсинкидаги Умумевропа кенгашида (Москва). 22.30— «Қишлоқ ҳаёти». 23.00 — Концерт. 24.00 — **«Вақт».** **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — «Камалак». программаси. 12.40 — **«Ханжар»** (телевизион бадиий фильм. 1-серия). 17.35 — МОСКВА. 22.00 — Ҳужжатли фильм. (Тошкент). 22.30 — **«Даурия»** (бадиий фильм. 2-серия). **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.20 — Болалар учун фильм. 20.50 — **«Доктор Вера».** (бадиий фильм).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Виннету — Инчу-Чун ўғли — САНЪАТ САРОЙИ, «ЧАЙКА», «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Иван ва Марья — ҚОЗОҒИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Виннету — Инчу-Чун ўғли — «ФЕСТИВАЛЬ».

Насимий — «ХИВА».

Узбекистон ССР қишлоқ қурилиши министрлиги «Узсельавтотрести»нинг 3-АВТОБАЗАСИГА

шоферлар, ремонтчи слесарлар, моористлар, газ электрпайвандчилар, қурилиш ишчилари, боғбонлар, ёқилғи аппаратуралари мутахассислари, иссиқлик техниклари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи ишбай. 2 йил ичида квартира бериш гарантияланади.

Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент области, Оржоникидзе районы, Свобода поселкаси, (1, 74, 62, 101-автобусларнинг «Троицкий поворот» бекати).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кучаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР

коммутатор — 330249 дан 330258 гача

Эълонлар — 338142.

Р—01650. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64634. Б—3427.